



# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ФИДОЙИЛАРИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Соғлом она — соғлом бола” концепциясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни поливитаминоминлар билан таъминлаш, она-бола скрининг хизматини ривожлантириш, неонатал ва перинатал ёрдами самарали ташкил этиш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилётган кенг кўламли реконструкция ва қурилиш ишлари тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда соҳада жаҳон тиббиётининг янги технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Обод турмуш йилида жойларда бир юз қирк олти тиббиёт муассасасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Мазкур тадбирлар халқимизнинг тиббий хизматдан баҳрамандлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ўз самараларини бераётди.

Мустиқлиги йилларида амалга оширилётган ана шундай кенг кўламли тиббий ислохотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ўзайди. Оналар ва болалар ўлими уч баравар камайди. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган бундай юксак ютуқлар халқро микёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни

сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофазалашга оид миллий модели тараққиёт топган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунга ёрқин мисолдир.

Республикамизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ушбу шарафли ва масъулиятли касб эгалари фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада орттирилган илгор тажрибани оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди. “Энг намунали қишлоқ врачлик пункти”, “Энг намунали оилавий поликлиника”, “Энг яхши умумий амалиёт врачлари”, “Энг яхши патронаж ҳамшираси” каби номинациялар бўйича ўтказиб келинаётган анъанавий танлов шундай лойиҳалардандир.

Тадбирда ушбу танловнинг 2013 йилдаги ғолиблари эълон қилинди.

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги “Жамбул” қишлоқ врачлик пункти “Энг намунали қишлоқ врачлик пункти” номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва “Damas” автомашинаси билан тақдирланди.

Марғилон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника “Энг намунали оилавий поликлиника” деб топилди. Сирдарё вилояти, Боевут тумани 1-Боевут 2-бўлим

қишлоқ врачлик пункти муdiri Гулчеҳра Назарова “Энг яхши умумий амалиёт врачлари”, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги “Каркидон” қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Насиба Султонова “Энг яхши патронаж ҳамшираси” номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Танлов ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Қишлоқ врачлик пунктимиш уч мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади, — деди Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги “Жамбул” қишлоқ врачлик пункти шифокори Лола Қурбонова. — “Саломатлик” лойиҳалари доирасида янги тиббий технологиялар билан жиҳозланган шифо масканларида тиббий-профилактика ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Шифокорлар ва патронаж ҳамшираларимиз хонадонларда бўлиб, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб бораётди.

Байрам тадбирида концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Б. ХИДИРОВА, Ў.А. МУХОММАСОВ.**

**СУРАТДА:** танлов ғолибларидан бири — Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги “Жамбул” қишлоқ врачлик пункти шифокори Лола Қурбонова.

Х. ПАЙДОЕВ олган сурат.

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Муҳофазат этилаётган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги ҳамда “Хайвонот дунёсини муҳофазат қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг давлат органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари Қашқадарё вилоятидаги Хисор ва Китоб давлат қўриқхоналари мисолда кўриб чиқилди.

# Қонунлар ижроси муҳокама қилинди

Мажлисида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари, манфаатдор вазирилик ҳамда идоралар, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органларнинг вакиллари, олимлар ва экспертлар қатнашди.

Таъкидланганидек, Қашқадарё вилоятининг давлат органлари томонидан юқорида номлари зикр этилган қонунлар нормалари талабларини бажариш мақсадида Хисор ва Китоб давлат қўриқхоналарининг қўриқланадиган табиий ҳудудларини ташкил қилиш, муҳофазат этиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида аниқ мақсадли иш олиб боришмоқда.

Маълумки, ноёб, қимматли табиий мажмуаларни, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондини асл ҳолида сақлаб қолиш, табиий жараёнларни ўрганиш, инсон фаолияти табиатга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида Қашқадарё вилояти-

да Хисор давлат қўриқхонаси ва Китоб давлат геологик қўриқхонаси ташкил қилинган. Хисор давлат қўриқхонаси Хисор тоғ тизмасининг гарбий ёнбағрида вазирилик ҳамда идоралар, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органларнинг вакиллари, олимлар ва экспертлар қатнашди. Таъкидланганидек, Қашқадарё вилоятининг давлат органлари томонидан юқорида номлари зикр этилган қонунлар нормалари талабларини бажариш мақсадида Хисор ва Китоб давлат қўриқхоналарининг қўриқланадиган табиий ҳудудларини ташкил қилиш, муҳофазат этиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида аниқ мақсадли иш олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Муҳофазат этилаётган табиий ҳудудлари давлат кадрастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомага асосан, хайвонот дунёсини объектларини ва уларнинг яшаш муҳитини қузатиш, уларнинг ҳолатига доир ахборот-

ни тўплаш, умумлаштириш ҳамда таҳлил қилиш бўйича иш олиб борилаётгани, хайвонлар сонини ҳисоб-ҳисоб доимий равишда юритилаётгани. Қўриқхонада хайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганиш бўйича тўртта йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Китоб давлат геологик қўриқхонаси Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида — Зарафшон тоғининг жануби-ғарбий ёнбағрида

жойлашган. Унинг майдони 3 минг 938 гектар бўлиб, шунинг 927 гектари ўрмон билан қопланган. Қўриқхонада жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 10 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган, тегишли чоралар кўрилган. Шунингдек, бу ерда тегишли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Шу билан бирга, мажлисида давлат органлари томонидан юқоридаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Мажлисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши, тегишли вазирилик ва идораларнинг Қашқадарё вилоятидаги қўриқхоналар ҳудудида мазкур қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини кучайтиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## “Ost-Ausschuss Informationen” журнали Ўзбекистон — Германия муносабатлари тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ost-Ausschuss Informationen” журнали 500 та сарможий лойиҳани амалга оширишни кўзда тутиб 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санотини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши масаласига алоҳида эътибор қаратган.

Мақола билан танишган немиш сармождорлари “Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида яратилган қўлай шарт-шароитлар, имтиёз ҳамда преференциялар, Ўзбекистон эркин савдо тўғрисида битим тузган МДҲ мамлакатлари ҳамда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё бозорларига маҳсулот

экспортини амалга оширишнинг имкониятлари тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишлари мумкин. Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда Германия мамлакатимизнинг бой иқтисодий ҳамда сайёҳлик салоҳиятига, санъати, маданияти ва аъёналарига нисбатан қизиқиш кучайиб бораётгани кузатилмоқда. ГФР оммавий

ахборот воситаларида Ўзбекистонга бағишланган мақолалар мунтазам эълон қилинаётгани юртимиз сарможий имкониятлари ҳамда сайёҳлик салоҳияти Германия ишбилармон доиралари ва немиш жамоатчилиги ўртасида тобора оммаланиш бораётганининг яққол далолатидир.

**«Жаҳон» АА.** Берлин

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Илғор тажриба ва ҳамкорлик

Анджонда гастроэнтерологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда соҳанинг етуқ мутахассислари билан бир қаторда Россия ва Украина давлатларидан келган олимлар ҳам қатнашди.

### АНЖУМАН

— Бугунги кунда мамлакатингизда аҳоли, хусусан, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш умумийлиги ҳар қандай даврда ҳам, — дейди Москва тиббий-стоматология университети профессори Алексей Самсонов. — Ўзбекистонлик олимлар билан кўп қиррали ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда. Айтишим кераки, гўзал юртингизда кўп мартаба бўлганман. Кузатишларимдан шундай хулосалар чиқадики, мамлакатингиз-

да соғлиқни сақлаш тизими жадал ривожланыпти. Анжуман давомида маърузалар тингланган, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида халқаро ва маҳаллий фармацевтика компаниялари маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Саидоҳмад ШУКУРОВ.**

ди соғлиқни сақлаш тизими жадал ривожланыпти. Анжуман давомида маърузалар тингланган, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадбир доирасида халқаро ва маҳаллий фармацевтика компаниялари маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

# Мақсадли дастурлар самараси

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиқлол йилларида эса манзара тамомила ўзгарди. Хом айтишларидан тортиб, уни тайёр маҳсулот ҳолатига келтиришга бўлган барча жараёнда иш тутуви янгиланди. Кўплаб замонавий корхоналар ишга туширилиб, улар энг илғор технологиялар билан жиҳозланди. Ушбу жараёнда, табиийки, соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “Тўқимачилик саноти корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санотини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифалар, айниқса, бу борада дастуриламал бўлмоқда. Чунки мазкур ҳужжатларда санот корхоналарини кенг миқёсда модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш негизда экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, маҳсулот таннархини пайсантиришдек муҳим вазифалар белгилаб берилган.

диёти талаблари асосида тўқимачилик корхоналарини бошқариш тизими такомиллаштирилиб, “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси тузилгани ҳам айни муддао бўлди. Гап шундаки, бугунги кунда мазкур компания тасаруфидан 300 га яқин корхона мавжуд. 2015 йилга бориб, улар республикамизда этиштирилаётган пахта хом ашёсининг 50 фоиздан зиёдини қайта ишлаш имконига эга бўлади.

Мамаката тизимида тўқимачилик тармогини тубдан модернизация қилиш, юқори унумдорликка эришиш, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар самараси қўйидаги рақамларда ҳам яққол кўринади. 2005 йилда санот ишлаб чиқаришида енгил саноатнинг улуши 19,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 34,3 фоизга етди. Тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам мутаносий равишда 0,3 фоиздан 4 фоизга ортди.

Албатта, енгил саноатни, умуман, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришда инвестициянинг ўзига хос ўрни бор. Зеро, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий



ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, “...фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шартини ва манбаи бўлмоғи керак”.

Йилда эса 180,9 миллион АҚШ доллари йўналтирилган, бунда Жанубий Корея, Германия, Хитой, Буюк Британия сингари ривожланган давлатлар сармождорлари иштироки тобора кенгайиб бораётгани фикримизнинг тасдиғидир. Буларнинг бари, ўз

ишларда маҳсулот экспорт ҳажмини оширишда муҳим омил бўлаётди. Шу ўринда 2012 йилда юртимиз корхоналари томонидан МДҲ, Европа Иттифоқи ҳамда Осиё минтақасининг ўнлаб давлатларига 705,3 миллион АҚШ долларлик маҳсулот сотилганини айтиш киёф.

2011 — 2015 йилларга мўлжалланган дастурда, шунингдек, енгил саноат тизимида пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини 2010 йилдагига нисбатан 2,1 баробар, ип-газлама ва тикув-тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини 2,8 баробарга ошириш стратегияси белгилаб берилган. Унинг ижросини таъминлаш учун эса аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, 2011 йилда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ва Швейцариянинг “Rieter AG” компанияси ўртасида стратегик шериклик йўлга қўйилиши натижасида пойтахтимизда тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани тизимдаги йирик лойиҳалардан бири бўлди. Ҳозирги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган ускуналар Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги етакчи тўқимачилик корхоналарида кенг қўлланилмоқда.

## Фаоллик ва ташаббускорлик

хотин-қизларнинг жамиятимиз ривожига қўшган ҳиссасида яққол намоён бўлмоқда

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1998 йил “Ойла йили”, 1999 йил “Аёллар йили”, 2012 йил эса “Мустиқлик йили” деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Давлат дастурлари қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилиши, 1999 йил 10 июнда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилишига оид Фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи янада кўтарилшига имкон яратди.

Қайд этиш жоизки, хотин-қиз депутатларнинг парламентда ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларида иштирок этиши нафақат аёллар учун, балки жамият учун ҳам муҳимдир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига, тегишли қўшимчиликка қўра, хотин-қизлар сонини сезиб тўғри қаратилган юксак эътибор, эъзоз, беқийёс ғамхўрлик самарасидир.

**Дилбар АЛИМЖАНОВА,** Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Нодавлат нотиҳорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари.

**Носир МАҲМУДОВ,** иқтисод фанлари доктори, профессор.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Кузнинг фарахбахш кунларида дала кезган киши тевақаратрофдаги ажиб манзарадан бир қувонса, ҳосилнинг мўл-кўлликдан ун чандон севилади. Негаки, Ўзбекистонда пухта ўйланган ислохотлар изчил амалга оширилганга буюрди кишлоқ ҳўжалиги соҳасида барқарор ривожланиш кузатилиб, юрдошларимизнинг кундалик истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи заминимизда етиштирилган ноз-неъматлар ҳисобига таъминланаяпти.

Буни, айниқса, мева-сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик ва картош-качилик тармоқлари мисолида аққол кўриш мумкин.

Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш чоратадбирлари "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унда кишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига кенгроқ жалб этиш, янги боғлар барпо этиш, хусусан, маҳаллалар худудларида манзарали гул ва буталардан ташқари, 29,5 миллион туп мевали дарахт ниҳоли экиш кўзда тутилган. Соҳада олиб борилаётган бу каби тизимли ислохотлар қутилган самарани бераётгани қувонарлиқдир.

# Боғдорчилик: Фаровонлик манбаи

## Қишда ҳам ёздагидек

Республикамизда етиштирилган дала ва боғ неъматларининг бир қисми саноат корхоналарида қайта ишланаётган бўлса, қолгани махсус омборхоналарда сифатли сақланаёпти. Бу уларни аҳолига йил давомида арзон нархларда етказиб бериш, бозорлардаги нарх-навои барқарор ушлаб туришда кўл келмоқда.

Чиндан ҳам, йилнинг қайси фасли бўлмасин, бозорларимизда шохидан эндигина узилгандек сархил меваларни топишингиз мумкин. Нархи ҳам қиммат эмас. Бу кейинги йилларда фойдаланишга топширилган замонавий совуқтичлар шарофатидир. Яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги "2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, бундай иншоотлар барпо этиш кўлами йил сайин кенгайтириляпти.

Таъкидлаш керакки, ушбу ҳўжатда 120 минг тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган замонавий музлаткич-омборхоналар қуриш белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, 2011 йилда ҳажми 46,7 минг тонналик, 2012 йилда 43,9 минг тонналик 130 дан ортқ омборхоналар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ушбу давр ичида 34,3 минг тонналик омборхоналар модернизация қилиндики, буларнинг барчаси аҳоли дастурхонига

қишда ҳам ёздагидек мева-чева тортқ қилиш имконини бермоқда.

## Интенсив технологиянинг афзаллиги

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз бўйича барча тоифадаги ҳўжалиқларда 250 минг гектар мевали боғ ва 127 минг гектар тоқзор мавжуд бўлиб, уларнинг салмоқли қисми

на дарахтлардан таркиб топган боғлар суратлари билан танишганда, бунга қомил ишонч ҳосил қиласиз. Шу боис ҳам аксарият давлатлар учун янгилик бўлган ана шу технологияни ўзлаштириш республикамиз шароитида қийинчилик туғдирмади: Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қўллаб интенсив боғлар барпо этилди.

Интенсив боғларга қизиқиш кучаяётгани бежиз эмас. Сабаби, пакана ва яримпакана дарахтлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга қиради. Яъни ўша йили гектарига 2-5 тоннагача, учинчи йили 5-10 тоннагача, 4-5-йили эса 40-50 тоннадан зиёд мева беради. Бу кўрсаткич маҳаллий боғлардагига нисбатан 2-3 баробар кўлдир.

## Ҳам қулай, ҳам тежамкор

Кузнинг тушган бўлса керак, пакана дарахтларнинг ҳосили кўплицидан шохлари мевасини кўтра олмай қолади. Шунинг учун унинг новдалари симбағазларга тортилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бунинг учун гектарига ўртача 440 та темир-бетон тиргак, 500-600 килограмм руҳланган сим талаб этилади. Академик Маҳмуд Мирзаев номдаги Ўзбекистон боғдорчилиги, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида яратилган усул қўлланилса, бунга ҳоҳат қолмайди.

Институтида интенсив боғларни симбағазсиз парваришлаш технологияси ишлаб чиқилган, — дейди мазкур институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Равайн Абдуллаев. — Унга кўра, уч туп ниҳол ўзаро тиргак қилиб экилади. Бу нафақат иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги, балки митти дарахтларнинг шамолдан яхши ҳимояланиши, унинг шохларига куч бериши билан акралиб туради. Фермерларни шу каби янгиликлар билан таништириш, боғларни парваришлаш, касаллик ва зараркундаларга қарши кураш чоралари бўйича тавсиялар бериш мақсадида "Боғбонлар мактаби" ташкил этилган. Зеро, боғдорчиликда ҳеч бир арготехника тadbирини кўздан қочириб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, кишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, унинг тармоқларига илғор ва тежамкор технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида боғларимиз файзу барака ва фаровонлик манбаига айланмоқда. Бу, ўз навбатида, саноат корхоналарини ҳам ашё билан узлуксиз таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, энг асосийси, аҳоли турмуши обод бўлишига хизмат қилаётди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

Ноябрь ойи бошида "Panasonic" холдинги маъмурияти қўтилаётган йиллик даромад миқдори бир миллиард АҚШ долларини ташкил этишини билдирган эди.

## Бизнесини кенгайтирмоқчи



Яқинда эса муассаса бир қатор янги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётганини маълум қилди. Хусусан, "Panasonic" ўз бизнесини уй-жой қурилиши, электр

автомобилларига мўлжалланган ва қуёш батареялари ишлаб чиқариш ҳисобига кенгайтиради. Холдинг бу мақсадлар учун бир миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтирмоқчи.

## Қутилганидан кўп

Ўтган ойда АҚШда 204 минг кишининг бандлиги таъминланди, дейилади "Евроныос" телеканали хабарида.

Ваҳоланки, олдинроқ экспертлар бу кўрсаткич 120 мингдан ошмаслигини тахмин қилишган эди.

Аммо ўтган ойда мамлакатда ишсизлик даражаси 7,2 фоиздан 7,3 фоизга кўпайган. Бунга ушбу даврда бир қатор давлат муассасаларида мавжуд иш ўринлари саккиз

мингтага қисқартирилгани сабаб бўлди.

Маълум қилинишича, ҳозир АҚШ меҳнат бозорида янги иш ўринлари ташкил этишда хусусий сектор фаоллик кўрсатмоқда. Давлат муассасаларида эса бунинг акси кузатилади.

## Сабаби номаълум

Канаданинг Онтарио музофотида унчалик катта бўлмаган йўловчи самолёти ҳалокатга учради.



Фоҳиа Ред-Лейк шаҳридаги аэропорт яқинида юз берган. Оқибатда лайнер бортидаги етти кишидан беш нафари ҳаётдан кўз юмган.

Бундан ташқари, самолёт кулаб тушаётган вақтда электр симларига зар

рар етган. Бунинг натижасида Ред-Лейк шаҳрининг бир неча тумани электр таъминотидан узилиб қолган. Манбада "Bearskin Airlines" авиакомпаниясига тегишли ушбу лайнернинг нима сабабдан ҳалокатга учрагани ҳақида маълумотлар йўқ.

## Тўфон чекинмаяпти

Филиппинда юз берган кучли "Хайян" тўфони мисли кўрилмаган талафотларга сабаб бўлди.



Табий офат 10 минг нафардан ортқ одамни ҳаётдан олиб кетган. Аммо бу ҳозирча тахмин ҳолос. Чунки тўфон маркази — Пало, Ормок ва Бурауэн шаҳарларидаги саксон фозидан ортқ бино ҳамда иншоотлар вайрон бўлган. Худди шундай талафотлар Тақлобон шаҳрида ҳам кузатилди. Шу боис вайронлар остида одамлар қолиб кетган бўлиши тахмин қилинмоқда.

Хавфли худудлардаги бир миллион нафар аҳоли эвакуация қилинган. Уларни ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қийин кечмоқда. Чунки ушбу худудларга олиб борувчи йўлларнинг аксарияти бекилиб қолган. Шу боис инсон-

парвар юқлар белгиланган манзилга вақтида етиб келмаяпти. Табий офат туфайли Тақлобон шаҳри аэропортига ҳам жиддий зарар етди. Унинг фақат учинчи йўлакларидан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган. Айни пайтда Филиппинга бир қатор халқаро ташкилотлар ва давлатлар беиннат ёрдам кўрсатишни маълум қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, АҚШ, Малайзия, Буюк Британия ва Германия биринчилардан бўлиб молиявий ёрдам ажратишни ҳамда тиббий ускуналар етказиб беришни билдирган.

Сўнги маълумотларга кўра, "Хайян" Филиппини тарк этиб, Вьетнамнинг шимолий соҳилларига етиб борган. Шу боис мазкур мамлакат аҳолиси тўфон хавфидан огоҳлантирилди. Барча кемалар қирғоққа қаққариб олинган. Соҳил яқинида яшовчи 600 минг нафар одам эвакуация қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## Боғни боқсанг, бол беради

Халқимизда "Боғни боқсанг, бол беради", деган ибратомуз ибора бор. Унинг замирида узоқ йиллар давомида исботини топган ҳаёт ҳақиқати мўжассам. Зеро, ниҳол экиб, боғ яратиш, ундан мўл ҳосил кўтариш кишидан машаққатли меҳнат талаб қилади. Эътиборсизлик ва бепарволикка йўл қўйилса, боғлардан файз кетиб, яшнаб турган дарахтлар ҳам қурибди.

Яшириб кўриб қилдик, ширкат ҳўжалиқлари фаолият юритган даврда ишга шундай ноқилона ёндашув оқибатида боғ ва тоқзорлар майдони қисқариб, ҳосилдорлиги кескин тушиб кетган эди. Президентимиз ташаббуси билан боғлар асл соҳибкорлар қўлига берилган, улар файзу барака маконига айланди.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 219 та ширкат ҳўжалиги негизда мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 40 мингдан ортқ фермер ҳўжалиги ташкил этилди. Ислохотларнинг кейинги босқичида, яъни 2008 —

2010 йилларда ушбу фермер ҳўжалиқларининг ер майдонлари мақбуллаштирилиб, боғдорчилик ва узумчилик соҳасида 16,9 мингта, сабзавот ва полизчиликда қарийб 4 мингта фермер ҳўжалиги сараланди. Самара эса тезда кўзга ташланди: мева-чева мўл бўлиб, юртимиз аҳолиси ҳамда саноат корхоналари эҳтиёжи ортиги билан таъминлана бошлади.

Масалан, 2012 йилда 7 миллион 766 минг тонна сабзавот, 2 миллион 56 минг тонна картошқа, 1 миллион 418 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 52 минг тонна мева ҳамда 1 миллион 205 минг тонна узум етиштирилиб, аввалги йилдагига нисбатан юқори ўсш суръатларига эришилди. Буни тасаввур қилиш учун аҳоли жон бошига белгиланган меъёрга нисбатан сабзавот 147,8 килограмм, картошқа 19,2 килограмм, полиз маҳсулотлари 28,7 килограмм, мева 13 килограмм, узум 15,2 килограмм кўп етиштирилгани қайд этиш кифоя.

Мутахассисларнинг айтишича, бу натижалар ҳали чегара эмас. Республикамизда бундан-да юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш учун имкониятлар етарли. 2013 йилда республикамиз деҳқон ва фермер-

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	2048,43	1 Исландия кронаси	17,83	1 СДР	3338,40
1 Англия фунт стерлинги	3495,48	1 Канада доллари	2084,71	1 Туркия лираси	1071,73
1 Дания кронаси	391,07	1 Хитой юани	358,47	1 Швейцария франки	2367,06
1 БАА дирҳами	594,33	1 Россия рубли	67,07	1 евро	2951,42
1 АҚШ доллари	2182,90	1 Украина гривнаси	273,10	10 Жанубий Корея вони	20,39
1 Миср фунти	316,89	1 Малайзия рингити	682,18	10 Япония ненаси	220,52
		1 Польша злотийси	697,55		

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## Qishloq Qurilish Bank

### ОАТБ «Қишлоқ қуриш банк»

оптик толали алоқа каналини ўрнатиш бўйича ўтказилаётган танловга таклифларни тақдим этиш муддати 2013 йил 20 ноябргача узайтирилганлигини эълон қилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 1-қават, 104-хона. Телефон: (+99871) 150-76-44.

## Тошкент кимё-технология институти

2014 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходим-изланувчиликка ва мустақил изланувчиликка кирувчилар учун қабул эълон қилади.

- 02.00.06 Юқори молекуляр бирикмалар
- 05.17.01 Ноорганик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар
- 05.17.02 Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар
- 05.17.03 Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси
- 05.18.01 Бошқоқли, дуккакли экинлар, ёрма маҳсулотлари ва мева-сабзавот, узумчилик маҳсулотларига ишлов бериш ҳамда уларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси
- 05.18.02 Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси ва биотехнологияси
- 05.18.03 Озиқ-овқат саноати жараёнлари ва аппаратлари
- 05.21.01 Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси

Ҳужжатлар 2013 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

### Талабгор тақдим этадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис);
- фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- илмий консултантнинг ёзма розилиги;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 ҳажмда 6 та фотосурат.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (8-371) 244-39-81. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй, Тошкент кимё-технология институти, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

## «Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

**Мисланган пайвандлаш сими**  
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,  
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,  
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**  
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,  
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2,0-4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

## САНОАТ КОРХОНАСИ

4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.

### Янги рукн: *Менин шаҳрим*

Экскаватор бошқараётганимга ҳадемай қирқ йил бўлади. Шунча пайтдан бери Қалмоққир бағридан маъдан қазийман. Иш туфайли баъзан тўй-ҳашам, гап-гаштак, ёр-биродарлар даврасидан қолишга тўғри келади. Шундай пайтларда кўнглимиз дўстларимиз: "Сайдали экскаватор учун туғилган", деб ҳазил ҳам қилишади. Начора, хизматчилик.

# Файзли ва мафтункор



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шу сафар таътилга чиқсам, бир кўнглим ёзиб, ярайман, деб ният қилдим. "Юрган дарё, ўтирган бўйра", деганларидек, болалар, набиралари олиб, сайру саёҳатларга боришни, улфатлар дийдорига тўйишни, мириқиб ҳордиқ чикаришни дилга туддим. Аввало, она-шаҳрим — Олмалиқ кўчаларини эринмай, бирма-бир пиёда кезгим келди. Эрта тонгдан қадрдон дўстим Аҳмадали билан йўлга чиқдик. Уни ўзимга ҳамроҳ қилганим бежиз эмас. Биринчидан, ҳозир нафақада — бундай сайрга жон, дейди. Иккинчидан, у моҳир курувчи, катта меймор. Шаҳримизнинг ҳар бир манзилини беш кўлдай билади.

Хуллас, шаҳримизни айланб, бамисоли янги-янги мўъжизаларга рўбарў келгандек бўлдим. Кун бўйи кон бағрида бўлганингдан кейин, чор-атрофингдаги жуда кўп ўзгаришларни илгамай ҳам қоларкансан киши. Қараг, шунча янгиликлар-а! Бугун Олмалиқимиз ҳам кўз-кўз қилгулик ажиб бир гўшага айланибди.

Олмалиқни кончилар ва металлурглр шаҳри, дейишади. Кейинги йилларда бу ерда қад ростлаётган мушоалар ва маҳобатли ишхоналар, янги йўл ҳамда инфратузилма

объектлари, таълим, спорт ва маданият муассасалари чиндан ҳам худудга ўзгача қўрк ва тароват бахш этаяпти. Фахр билан айта оламиз, бундай хайрли ишларнинг аксариятида бизнинг кўп миң кишилик Олмалиқ кон-металлургия комбинатимиз жамоаси алоҳида ташаббус кўрсатапти.

Биласизми, биз, олмалиқликлар шаҳримизнинг қаерига бормайлик, она-Ватанамизнинг мағрур хиллари турган байроғи бамисоли йўлни-юлдузимиз бўлади. Негаки, шаҳримизни қоқ ўртасидан иккига ажратиб турадиган марказий Амир Темур шоҳқўчасининг бошланиш нуқтасига ўрнатилган давлатимиз байроғини Олмалиқнинг истаган худудидан томоша қилиш мумкин-да.

Тасаввур қилинг-а, баландлиги 41,6 метр бўлган металл конструкцияли йирик ва маҳобатли устунга давлатимизнинг 7x14 метр ўлчамдаги улкан байроғи

тиқилган. У ҳар қандай юракка ҳаяжон, гурур бахш этади. Яна ишюот майдони анвойи гуллар, замонавий ландшафт дизайни асосида безатилганини айтишимиз мумкин. Бу ўзига хос обидида комбинатимиз лойиҳалаш бошқармаси, конструкторлик бюроси ҳамда марказий механика заводи мутахассисларининг мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига ҳеч ёддан чиқмайдиغان аjoyиб тўхфаси бўлди.

Дарвоқе, Амир Темур шоҳқўчаси ҳақида алоҳида тўхталмасак бўлмас. Гап шундаки, кейинги йиллар бу марказий кўча тубдан янгиланди. Кенг ва раван бўлди. Олти тасмали йўлда қарама-қарши ҳаракатланаётган автомобиллар ҳамда пийёдалар хавфсизлигини таъминлаш учун унинг ўртаси худди пойтахт кўчалари каби бежирим металл тўсиқлар билан ажратилди. Хар икки четда замонавий инфратузилма объектлари юзга келди. Деҳқон бозо-

ри янгидан қурилди. Унинг яқинидаги шохбекаат тартибга солинди.

"Халқлар дўстлиги" хийбонидан ўтаётганимизда, яна бир қувондик. Бир вақтлар мана шу ёр ёввойи ўт-ўланлар билан қоплаган файзсиз, хароба бир жой эди. Атрофдаги кўп қаватли уйларида яшовчилар, айниқса, ёзнинг жазирама кунларида диққинафасликдан кўп азият чекишарди. Оилавий сайр қиладиган, кўнглини кўтарадиган, оёқнинг чигилини ёздайдиган бир тузукроқ маскан йўқ эди-да. Бугун эса бу хийбонга боқиб, кўзингиз қувонади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам тароватини йўқотмайдиган яшил хийбон, биллур фавворалар, болалар майдончалари, футбол ва баскетбол стадионлари, ўриндиқли айвончалар, ранг-баранг кошлардек товланувчи қопламалар йўллар — барчаси бири-бирини тўлдириб турибди.

Санаб кўрсак, шаҳри-

мизда одамлар маданий ҳордиқ чикарадиган истироҳат боғларининг ўзи унга яқин экан. Бир-икки йилнинг нари-берисидида "Ёшлар боғи", "Олеся" ҳамда "Олтин олма" истироҳат хийбонлари барпо этилди. Улар орасига яқинда қўшилган замонавий аквапарк эса кишига бир олам завқ-шавқ улашувчи чинакам сўлим маскан бўлибди. Куз салқини бўлишига қарамай, барча боғ ва хийбонлар ҳамшаҳарларимиз билан гавжум.

Э-ҳе, бугун шаҳримизда нималар йўқ, дейсиз? Ҳамма нарса бор! "Металлург" спорт-соғломлаштириш саройи, олий лигада тўп сураётган олмалиқлик футболчилар учун қурилган муҳташам стадион, марказий шифохонанинг янги биноси, туғруқ мажмуаси, болалар поликлиникаси ва бошқа ўнлаб маъмурий бинолар, таълим ҳамда маданият муассасалари, йўл ва коммуникация объектлари худди узукка кўз қўйгандек она-шаҳримизнинг жамолани янада очиб юборган.

Шу десангиз, шаҳримизнинг обод манзилларига махлиё бўлиб, кун оганини ҳам билмай қолибиз. Бундай разм солсам, тунги Олмалиқ янада фусункор ва файзли кўринаркан.

Ҳамроҳим шаҳарнинг Камалак, Ойдин, Тошкент маҳаллаларига ҳам бирров ўтайлик, деб қўймайди. Янги типдаги спорт ва мусика мактаблари, замонавий тураржойлар, тадбиркорлар томонидан қурилган муҳташам савдо, хизмат кўрсатиш мажмуалари, одамларнинг тўю тантаналари ўтадиган саройларнинг таърифини келтириб мақтайди нуқул. Кун кеч бўлганини айтиб, сафарни эртага давом эттиришга келишимиз.

Насиб қилса, эрталабдан яна йўлга тушамиз!

**Сайдали РАҲМОНОВ,**  
**Ўзбекистон Қўрамон,**  
**Олмалиқ кон-металлургия комбинати**  
**«Қалмоққир» кони**  
**экскаватор-машинисти.**

### Қумқўрғоннинг маъданли суви

Қумқўрғон сув омборига яқин худудлардаги ер ости суви таркиби турли минералларга бой эканлиги мутахассислар томонидан аниқланган.

#### ИЗЛАНИШ

Буни ҳисобга олган Қумқўрғон туманилик тадбиркор Шавкат Холназаров мазкур шифобахш неъматни бежирим идишларга қадоқлашни йўлга қўйди. Лойиҳани амалга оширишда "Нестле" корхонаси мутахассислари ҳам

яқиндан кўмак беришди. Айни пайтда мазкур технолог линия ёрдамида соатига 600 литр сув қадоқлашиб, савдо шохобчалари ҳамда тиббиёт муассасаларига етказиб берилаяпти.

**Нормурод ТЕММИРОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**

#### Реклама ва эълонлар

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 27 ноябрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

1. Марғилон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ бўйича Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «6-КМК» МЧЖга қарашли, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 8265,18 кв.м., фойдаланиш майдони 7 233,74 кв.м. бўлган бино-иншоотлар мажмуа сифатида.
2. Кува тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 20 апрелдаги 15-09-03/3897-сонли, 2009 йил 3 августдаги 15-09-04/14383-сонли ва 2009 йил 13 ноябрдаги 15-09-07/21969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Кува тумани, «Муҳитдинов» ҚФЙ, Сўфи қишлоғида жойлашган, «Мирзақосим Мансуров» ММТПга қарашли, умумий майдони 1821,96 кв.м. бўлган бетон шийлон (навес).

**Бошланғич баҳоси — 639 222 484 сўм.**

**Бошланғич баҳоси — 48 689 248 сўм.**

Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 25 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улўғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкларга доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59. Лицензия: № RR 0017.

### «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 17 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Яқкасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 16 октябрдаги 14-1315/11001-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Туртарк кўчаси, 100-уйда жойлашган, умумий ер майдони 2341 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 1028,96 кв.м., яшаш майдони 453,22 кв.м. бўлган тураржой биноси.
2. 2013 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Мирзо Улўғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 18 октябрдаги 10-1304/15521-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мирзо Улўғбек кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 9329 кв.м., фойдаланиш майдони 7804 кв.м. бўлган тураржой биноси.

**Бошланғич баҳоси — 2 500 000 000 сўм.**

2013 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Мирзо Улўғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 10-1308/3053-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Кичик Бешёғон кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 4887 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 8 қаватли бино.
2. Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Кичик Бешёғон кўчасида жойлашган, умумий майдони 463 кв.м., 0001-литер бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
3. Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Кичик Бешёғон кўчасида жойлашган, умумий майдони 340 кв.м., 0002-литер бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
4. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Мехригий (собик Алавия) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257 кв.м., 0002-литер бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
5. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Мехригий (собик Алавия) кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257 кв.м., 0003-литер бўлган, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.

**Бошланғич баҳоси — 141 877 800 сўм.**

Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фўқорлик ишлари бўйича Миробод туманларо судининг 2013 йил 22 апрелдаги 1/274/2565/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова (собик 2-линия Киев) кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 491,15 кв.м. бўлган уй-жой.

**Бошланғич баҳоси — 49 750 000 сўм.**

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошла-нишига бир иш кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улўғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (8-371) 250-19-24.  
Лицензия: № RR 0017.

# Мўътабар илмий маскан

Мамлакатимиз қадимдан илму маърифат бешиги бўлиб келган. Буни башарият тарихига, илм-фанга бекиёс ҳисса қўшган Маъмун академияси мисолида ҳам кўриш мумкин.

#### ИФТИХОР

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланаётган қувончли дамларда Президентимиз Ислам Каримов Шарқнинг энг йирик илмий маркази — Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекиди. Бу илм-фанимиз ва маданиятимиз тарихида янги давр бошланаётганининг исботи бўлди.

Президентимиз кўрсатмалари асосида реконструкция қилинган бино ўзгача бир кўриниш билан қайта қад ростлади. Миллий гўмбаз, олд пешайвон, нақшкор эшик баланд бинога янада хусн ва салобат бахш этиб турибди.

Ҳозир Академия биносининг ўзи — музей. Қурилиш услуби, безатилиши ҳам миллийлик, ҳам замонавийлик касб этади. Деворлари пишиқ гўшдан миллий услубда терилган. Интерьерининг поли оқ мрамар, оппоқ текис деворларига ўрта аср манзаралари туширилган, шифтига маҳобатли қандиллар осилган. Биринчи қаватда лабораториялар, иш хоналари жойлашган. Иккинчи қаватнинг ўнг томонида ахборот-ресурс маркази, чап томонида музей, учинчи қаватда конференциялар зали бор. Музей, АРМ ва конференциялар зали миллий ҳамда Европа услубида безатилган, замонавий жиҳозлар ўрнатилган.

Бизнинг Ҳоразм Маъмун академияси ўтган қисқа вақт ичида бир қатор ютуқларга эришди. Тарих, археология ҳамда фалсафа бўлимида Ҳоразмнинг қадимги ва ўрта асрларга оид этнографик, археологик материаллар тадқиқ қилинди. Археологик қазималар натижасида 10 га яқин ёдгорликлар ўрганилди. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш

интеграцияси бўйича академия олимлари тадқиқ қилган муаммоларни иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда амалиётга жорий этиш ишлари яхши йўлга қўйилган, тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Ана шундай ҳамкорлик натижасида

Бу ерда 13 та лойиҳа доирасида 40 дан ортиқ илмий ходимлар, жумладан, 7 нафар фан доктори, 20 нафар фан номзоди илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда. Жаҳоннинг 20 га яқин хорижий илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Халқаро ва республика миқёсида йирик илмий конференциялар ташкил этилмоқда.



турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу

«Раҳмад» номли янги гўза нави яратилди. Шунингдек, маккажўҳорининг уруғчилик тизими йўлга қўйилиб, уруғчилик хўжаликлари ташкил қилинди. Биологик хусусиятлари ҳамда хўжалик белгиларига қараб 19 тур ўсимликнинг 38 нави экишга тавсия этилди; истиқболли гўза ва будғдай навлари уруғчилик тизимини яратишда «Барокот» биостимуляторидан фойдаланиб, ҳосилдорлиқни ошириш амалиётга жорий қилинди.

Маъмун академиясининг ўндан ортиқ олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилаётгани ҳам айни мuddао бўлмоқда. Негаки, бу ерда талабалар амалиётга ташкил этилиб, тарих, археология, манбашунослик, тиббиёт фанларидан сабоқлар берилди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига мазкур даргоҳ ҳақида шундай дейилади: "...бу мўътабар илмий масканда Шарқ ва Фарб ўлкаларидан келган,

Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Махмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу бизнинг минтақамизда туғилди, камол толган етук алломалар ташкил этгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган».

Бу сўзлар бугун қайта шўҳрат қозонаётган қадим Академиянинг олимлари зиммасига катта масъулият юклайди, уларни улўғ ажодларимизга муносиб бўлишга, турли соҳаларда инновацион тадқиқотлар олиб бориш билан бирга, хорижда ҳам жонахон Ўзбекистон илм-фан ютуқларини тарғиб қилишга илҳом-антираверади.

**Маъширф АБДУЛЛАЕВ,**  
**Ҳоразм Маъмун академияси**  
**илмий котиби.**

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
**Девонхона 233-52-55;**  
**Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.**



**Республика аҳолиси диққатига!**  
**Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?**  
**ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ**  
**«ISUZU» ва «КамАЗ»**  
**русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.**

**Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.**  
**Манзилимиз:**  
**Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар кўрғони.**  
**Мурожаат учун телефонлар:**  
**(+998-93) 549-15-15, (+998-98) 121-18-07.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Ижро этувчи Аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир котибиятининг муdiri Зайниддин Шайхидинов Низомиддиновга қизи

**МАФТУНАХОННИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси банкнинг матбуот хизмати раҳбари Асқар Ҳайдаровга падари бузруквор

**ЭРНАЗАР отанин**г вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихпор этади.

Очиқ акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси банк муҳандислик назорати бўлими бошлиги

**Абдуқодир ИБРАГИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихпор этади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**  
**Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси**

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**  
**Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.**  
**Навбатчи — Д. Улўмурад.**  
**Мусахҳач — С. Исмолов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.15 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5